

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАХАР КОМИТЕТЛАРИ,
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАХАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

7-ИЛ ЧИҚИШИ
№ 207 (1727)
18
ОКТАБРЬ
СЕШАНБА
1960 ЙИЛ
БАҲОСИ
20 ТИНИН.

ЖАРҚОҚ, ГАЗИ—ТОШКЕНТГА

ЖАРҚОҚ, 17 октябрь (УзТАГ). Жарқоқ табиий газ кониди «Бухаранефтегаз» бошқармасининг ишчилари 12-скважинани фойдаланишга топширдилар. Айни вақтда барча ишлаб турган скважиналарни Жарқоқ—Тошкент магистралининг тақсимлаш станцияга улаш ишлари ҳам тамомланди. Шунинг билан Жарқоқ—Тошкент газ қувурининг бутун комплекти зўр гайрат билан меҳнат қилмоқда. Ушбу Октябрьнинг 43 йиллигини муносиб кутиб олий учун бошланган муваффақиятларга қариб барча коллектив қўшилган. Янги скважина ишга тушира ҳозирнинг ўзидаёқ Жарқоқ қонининг қуввати беш баравар ошди ва у бу йил планда қўзда тутилганга қараганда Тошкентга икки баравар кўп газ бера олади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

17 октябрда Тошкентда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг IV пленуми бўлиб ўтди.

Пленумнинг ишида қатнашиш учун шаҳар ва район партия комитетларининг биринчи секретарлари, район ижроия комитетларининг раислари, министрликлар ва бошқармаларнинг масъул ходимлари, пахта тозалаш заводларининг директорлари, бир қанча колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари ва партия ташкилотлари секретарлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари таклиф этилган эди.

Пленум пахтани териб ва давлатга топширишнинг бориши тўғрисида ҳамда республика колхоз ва совхозлари томонидан 1960 йил учун олинган социалистик мажбуриятларни бажариш тадбирлари тўғрисидаги масалани қараб чиқди. Бу масала юзасидан Фарғона область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Т. Қамбаров, Бухоро область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ А. Ризаев, Сурхондарё область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ О. Ҳакимов, Хоразм область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ф. И. Шамсиддинов, Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги кенгаши раиси ўртоқ Н. В. Мартинов доклад қилдилар.

Докладларни муҳокама қилишда Андижон область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Р. Қурбонов, Бешкент район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Б. Тилавов, Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ А. Маҳмудов, Юқори Чирчиқ район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ М. В. Ким, Поп районидаги Ленин номи колхозининг комплекс механизация бригадаси бошлиғи ўртоқ М. Умурзоқов, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг раиси ўртоқ К. Камолов, Пахтакор районидagi «Коммунизм» колхозининг раиси ўртоқ Ш. Назаров, Фрунзе районидagi Калинин номи совхоз трактор-далачилик бригадасининг раҳбари И. Иномова қатнашдилар.

Пленумда Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

Муҳокама қилинган масала юзасидан пленум тегишли қарор қабул қилди.

Пленум, шунингдек «Мақтабнинг турмуш билан боғланишини мустаҳкамлаш тўғрисида ҳамда Ўзбекистон ССРда халқ маорифи системасини янада ривожлантириш тўғрисида»ги Қонуннинг қандай бажарилаётганлиги ҳақида қарор қабул қилди.

Мехнат советлари

ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ РАЙОН МЕХНАТКАШЛАРИНИНГ КАТТА ҒАЛАБАСИ

Юқори Чирчиқ районининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари КПСС XXI съезди ва Ўзкомпартия XV съезди тарихий қарорларини бажара бориб, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 43 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб ҳамда Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг Октябрь пленумини муносиб кутиб олиш учун курашиб 17 октябрда давлатга пахта сотиш йиллик планини муддатидан илгари бажардилар. Пландagi 10 миң 600 тонна ўрнига 10 миң 610 тонна ёки ўтган йилнинг шу вақтидагига қараганда 2500 тонна кўп пахта сотилди. Машина терими плани 100 процент бажарилди. Бутун ҳосил биринчи сирта қабул қилинди. Район бўйича 4 миң 780 гектар ернинг ҳар гектаридан 22,3 центнердан ҳосил олинди.

«Политотдел» колхозида гектаридан 38 центнердан, Свердлов номи колхозида ҳамда «Правда» колхозида гектаридан 30 центнердан, «Ленин» колхозида 23 центнердан ҳосил йилги олинди. «Политотдел» колхозининг ўртоқ А. Абураҳмонов бошлиқ бригадаси гектаридан 42 центнердан, Хайрулла Мусулқов ҳамда Ким Григорий ўртоқлар бошлиқ бригадалар эа 40 центнердан, Свердлов номи колхозининг Ким Ден Нак бошлиқ бригадаси 32 центнердан, «Правда» колхозининг Тен Гиз Сен ва Ли И Сон бошлиқ бригадалари 29 центнердан, «Ленин» колхозининг ўртоқ С. Мўдахонова бошлиқ бригадаси гектаридан 27 центнердан пахта топширдилар.

Район пахтакорлари Тошкент область меҳнаткашларининг КПСС Марказий Комитети Биринчи Секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Никита Сергеевич Хрушчовга бу йил мақдда катта 500 миң тонна «оқ олтин» сотиш юзасидан берган сўзларининг амалда бажарилишига ҳисса қўлиши учун курашиб, ўз ички имкониятларини ҳисоблаб 7 ноябрда қадар пландан ташқари яна 2400 тонна пахта сотиш ва шу йўл билан районда етти йилликнинг иккинчи йилда жоманон Ватанимизга 13 миң тонна «оқ олтин» сотиш юзасидан олинган социалистик мажбуриятининг бажарилишини таъминлашга аҳд қилдилар.

Бу йил район лубкорлари ҳам бирмунча ютуқларни қўлга киритдилар. 17 октябрда қадар планди 60 миң тонна ўрнига давлатга 88 миң тонна мақдда пахта сотилди. Ёки план 147 процент бажарилди. Бу соҳада ҳосилдорлик йилдан 1960 йил учун белгиланган даражадан ҳам ўзб кетилди. Ҳар гектар ердан 156 центнердан катта оқ олтин олинди.

«Политотдел» колхозида ҳар гектаридан 242 центнердан, Свердлов номи колхозида 192 центнердан, «Правда» колхозида 180 центнердан, «Ўзбекистон» колхозида 143 центнердан, «Ленин» номи колхозида 132 центнердан луб ҳосили олинди. 14 та лубкор бригадасида гектаридан 200 центнердан ҳосил кўтарилиди. «Политотдел» колхозининг ўртоқ Пав Си Гир бошлиқ бригадаси 136 гектар ернинг ҳар гектаридан 256 центнердан, шу колхозининг Шин Ха Рен бошлиқ бригадаси 181 гектар ернинг ҳар гектаридан 238 центнердан, Свердлов номи колхозининг Цой Ген Вон бошлиқ бригадаси

160 гектар ернинг ҳар гектаридан 210 центнердан катта оқ олтин йилги олдди. Район лубкорлари ўз имкониятларини ҳисоблаб қишлоқ давлатга сотиладиган қанотнинг миқдорини 95 — 100 миң тоннага етказиш ва Октябрьнинг 43 йиллиги кўнига қадар давлатга 650 тонна уруғлик қанот сотиш юзасидан олинган мажбуриятни бажаришга аҳд қилдилар.

Бу йил район соҳибкорлари ҳам унумли меҳнат қилдилар. Давлатга 17 октябрда қадар 4500 тоннадан ортиқ узум сотилиб, бу соҳада план 115 процент бажарилди. Социалистик мажбурият муваффақиятли адо этилди.

Районда мактабхўридан ҳам юқори ҳосил етиштирилди. Суғориладиган ерларнинг ҳар гектаридан 1077 центнердан, шартли суғориладиган ерларда эса гектаридан 226 центнердан мактабхўридан ҳосил олинди. Ҳаммаси бўлиб 125,5 миң тонна ёки уч йиллик план иккунини ошди.

Район йиллик план иккунини ошди. Давлат эс хашак тайёрлаш иши ҳам 118 процент, пичан сотиш плани 100 процент бажарилди.

Район йиллик планини бирмунча ютуқларни қўлга киритдилар. Планди 67 тонна ўрнига 98,4 тонна пахта тайёрланди, бу соҳада план 144 процент бажарилди. Давлатга 4211 тонна (шол бу ҳисобга кирмайди) ғалла сотилиб, план 102 процент бажарилди.

Колхозлар ва совхозлар ҳозирги кунда илгирчи йил ҳосилига тайёргарлик кўриб шугораланиш кучайтириб юбордилар. Шу кунга қадар 13 миң 500 гектар ёки планга нисбатан 43 процент, шу жумладан 5500 гектар суғориладиган ер шугор қилинди. 17 октябрда қадар 2165 тонна ёки планга нисбатан 200,2 процент гўшт, 4120 тонна ёки планга нисбатан 127 процент сўт, 1538 миң дон ёки планга нисбатан 132 процент тухум, 119 тонна ёки планга нисбатан 119 процент жүн сотилди.

Йил билан шу вақтгача йиллик шохли қорамоллар тўғри 7,2 процент, сиғирлар сон 17,7 процент, эчкилар 12,4 процент, қўй ва эчкилар 5 процент кўпайди.

Районнинг саноат қорхоналари 9 ойлик янги маҳсулот ишлаб чиқариш планини ошириб бажардилар ва қўшимча равишда 2335 миң сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқаришган маҳсулотнинг таъминини қамайтириш ҳисобига 2,665 миң сўм иқтисод қилинди.

Пахта учун қизғин кураш бораётган ҳозирги ҳал қилувчи кунларда районнинг барча меҳнаткашлари Совет ҳукумати бошлиғи Никита Сергеевич Хрушчовнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилати Боп Ассамблеясида олиб борган иш фаолиятини бир овоздан ва қизғин маъқуллаганлари ҳолда социалистик мусобақани янада кучайтириб юбордилар. Улар 1960 йилнинг 25 октябрга қадар дастлаб қабул қилинган — 11500 тонна пахта сотиш юзасидан олинган мажбуриятни бажаришни энг асосий вазифа қилиб қўйдилар ва Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 43 йиллиги кўнига қадар мақдда 13 миң тонна пахта сотиш ва шу йўл билан ўзбек халқининг 3 миллион 170 миң тонна пахта учун олиб бораётган курашига муносиб ҳисса қўшишга бел боғладилар.

Мехнат унумдорлигини ошириш бўйича 9 ойлик топшириқ 105 процент бажарилди ва ўтган йилнинг ҳудди шу давридагига қараганда 11 процент кўпайди. Планининг бажарилиши ва 9 ой мобайнида меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари кўнидаги маълумотлар билан характерланади:

9 ойлик планининг бажарилиши (процент ҳисобда)	1960 йилнинг 9 ойида 1959 йилнинг ҳудди шу давридагига нисбатан процент ҳис.
Экскаваторлар	100
Кўприк қоралари	101
Тракторлар	100
Подшипниклар	92
Пахта териб машиналари	110
Ўзаюпа юлувчи машиналар	100
Трактор культиваторлари	103
Пахта сеялкалари	131
Сунъий ёмғир ёғдирувчи установкалар	94
Цемент	100
Асбоцемент шифери	103
Асбоцемент трубалари	100
Нигма темир-бетон конструкциялари ва деталлари	87
Винокорлик гишти (колхозлар тайёрлагани бу ҳисобга кирмайди)	98
Дераза ойнаси	107
Қоғоз	104
Пахта толаси	104
Ип газлама	103
Чарм пойфазал	104
Мебель	102
Рўзгор холодильниклари	61
Ўғун (давлат хомашё ресурсларидан)	137
Колбаса маҳсулотлари	133
Енг олинмаган сўт маҳсулотлари	106
Мол ёғи (давлат хомашё ресурсларидан)	247
Ўсимлик ёғи (давлат хомашё ресурсларидан)	105
Консервалар (Совнархоз қорхоналари бўйича)	113
Кондитер маҳсулотлари	105
Пашпирс ва сигаретлар	100
Сувуи	103

9 ойлик планининг бажарилиши (процент ҳисобда)	1960 йилнинг 9 ойида 1959 йилнинг ҳудди шу давридагига нисбатан процент ҳис.
Умуман область бўйича	105
Шу жумладан: Ўзбекистон Совнархоз қорхоналари бўйича	105
Маҳаллий Советлар қорхоналари бўйича	104
Шу жумладан: Тошкент шаҳар ижроия комитетининг саноат бошқармаси бўйича	105
Область ижроия комитетининг саноат бошқармаси бўйича	105
Республика министрликлари ва ведомстволари бўйича	105
Иттифоқ министрликлари ва ведомстволари қорхоналари бўйича	102

Планини бажарилиши ва меҳнат унумдорлигини ошириш соҳасидаги бу ютуқлар қисқартirilган иш кўнига ўтиш шароитда қўлга киритилди. 1960 йилнинг 1 октябрга гача саноатдаги 92,5 миң ишчи ва хизматчи қисқартirilган иш кўнига ўтказилди.

Саноат маҳсулотни таъминини қамайтириш планни органи билан бажарилди. Саноат маҳсулотни таъминини қамайтириш ҳисобига шу йилнинг 8 ойи мобайнида планда белгилангандан 53 миллион сўм кўп маблаг тежалди.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ. ТОШКЕНТ ШАХАР СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ.	1960 йилнинг 9 ойида 1959 йилнинг ҳудди шу давридагига нисбатан процент ҳис.
Юқори Чирчиқ	3,12
Куй Чирчиқ	1,48
Ўрта Чирчиқ	1,53
Чиноз	0,70
Пискент	1,42
Бука	1,52
Оққўрғон	1,32
Сирдарё	1,02
Оржоникидзе	1,20
Янгийўл	1,34
Гулистон	1,33
Янгийер шаҳри	1,39
Бекобод	1,20
Область бўйича:	1,36

Кон-металлургия саноати ходимларининг муваффақияти

Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги тинтопан ва «Ўзбекуголь» комбинати кон-металлургия саноатининг ходимлари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 43 йиллиги ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг Пленумини муносиб кутиб олиш учун мусобақани қизитиб, янги маҳсулот ишлаб чиқариш ўн ойлик планини 17 октябрда бажардилар. В. И. Ленин номидagi Ўзбекистон металлургия заводи, Олтинтопан ва «Ўзбекуголь» комбинатлари, қийин эрийдиган ва ўтати чидамли металл комбинати коллективлари меҳнатда юқори кўрсаткичларга эришдилар.

Кон-металлургия саноатининг ходимлари октябрь ойи охиригача пландан ташқари яна ўнларча миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришди.

„ЛЕНИНИЗМ“ КОЛХОЗИ ПЛАНИ БАЖАРДИ

Юқори Чирчиқ районидagi «Ленинизм» колхози аъзолари Октябрь социалистик революциясининг 43 йиллиги ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг Пленуми шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб 800 гектар майдондан планди 1750 тонна ўрнига 1762 тонна пахта ҳосили олиб, йиллик планни 100,6 процент бажардилар.

Колхознинг ўртоқ Саваб Муздахонова бошлиқ бригада аъзолари 72 гектар ернинг, ҳар гектаридан 25 центнердан, ўртоқ Мурод Шералиев бошлиқ бригада аъзо-

Гектаридан 41 центнердан ҳосил олдик

Валентин Тюпоко методи асосида ташкил қилинган комплекс механизациялашган бригадаларининг аъзолари тақрибдан иш бажаришга 1961 йил ҳосилига тайёргарлик ишларини қизитиб юбориб мажбуриятини олдик.

Бу йил 42 гектар майдонга чигит экиб, ғўзани агротехника қондаларига амал қилиб, механизация кучи билан икки томонлама парваришладик. Халол меҳнат қилиш ва механизациядан унумли фойдаланиш натижасида мен билан 6 ишчи мўл ҳосил етиштирдик.

Барча майдондаги пахта ни мақдда териб олмақдасиз. Шу кунгача «ХВС-1,2» машинасида 137 тонна пахта тердик.

Бригаданида машина терими кучайтирилганлиги тўғрисида 12 октябрдаёқ йиллик планни бажардик, ҳар гектар ердан 36,5 центнердан ҳосил олинди.

Республика областларида пахта тайёрлаш қандай борапти

17 октябрга Хоразм области бир кунда 1,94, мавсум бошидан бери 62,42 процент, Андижон области бир кунда 1,83, мавсум бошидан бери 61,49 процент, Сурхондарё области бир кунда 1,63, мавсум бошидан бери 57,01, Фарғона области бир кунда 1,39, мавсум бошидан бери 55,00, Қорақалпоғистон АССР бир кунда 1,41, мавсум бошидан бери 51,42, Бухоро области бир кунда 1,16, мавсум бошидан бери 50,01, Тошкент области бир кунда 1,49, мавсум бошидан бери 48,41, Самарқанд области бир кунда 2,03, мавсум бошидан бери 41,99 процент пахта тайёрладилар. Шу кунга Самарқанд, Хоразм областлари энг юқори кўрсаткичга эришдилар. Областининг пахтакорлари суръатини тезлаштириб, юрак областларга тенглашиб олиш учун астойдил курашилари керак.



Районлар ва совхозлар номи	Бир кунда процент ҳисобда	Мавсум бошидан процент ҳисобда	Машина терими, мажбуриятга нисбатан процент ҳисобда
Мажбурият			Бир кунда
План			Мавсум бошидан

РАЙОНЛАР БҲИЧА	1960 йилнинг 9 ойида 1959 йилнинг ҳудди шу давридагига нисбатан процент ҳис.
Юқори Чирчиқ	3,12
Куй Чирчиқ	1,48
Ўрта Чирчиқ	1,53
Чиноз	0,70
Пискент	1,42
Бука	1,52
Оққўрғон	1,32
Сирдарё	1,02
Оржоникидзе	1,20
Янгийўл	1,34
Гулистон	1,33
Янгийер шаҳри	1,39
Бекобод	1,20
Область бўйича:	1,36

Ўзбекистон ССР беш йиллиги	1960 йилнинг 9 ойида 1959 йилнинг ҳудди шу давридагига нисбатан процент ҳис.
«Малик»	1,08
«Бука»	1,18
«Пискент»	1,37
«Оққўрғон»	1,11
Киров номи	1,22
«Боёв»	1,40
«Гулистон»	1,39
«Далварзин»	1,28
«Социализм»	0,92
«Мирзачўл»	0,98
«Фарҳод»	1,59
«Боёв»	1,29
«Чаноқ»	1,03
«Далварзин»	1,03
«Боёв»	1,15
«Дружба»	0,86

ЕТТИ ЙИЛЛИК ЗАФАРЛАРИ

1960 йИЛНИНГ III КВАРТАЛИ ВА 9 ОЙИ МОБАЙНИДА САНОАТДА ДАВЛАТ ПЛАНЛАРИНИНГ БАЖАРИЛИШИ НАТИЖАЛАРИ ТЎҒРИСИДА ТОШКЕНТ ШАХАР ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАЛАРИНИНГ АХБОРОТИ

Тошкент область ва Тошкент шаҳар саноат қорхоналарининг коллективлари партия XXI съездининг ҳамда КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг тарихий қарорларини амалга ошира, бориб ва етти йилликнинг иккинчи йили планини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани кенг қизитиб, ишлаб чиқаришни юксалтиришда янги муваффақиятларни қўлга киритдилар.

1960 йилнинг III квартал ва 9 ойлик плани ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми бўйича ҳам, шунингдек кўпчилик энг муҳим маҳсулотлар тайёрлаш бўйича ҳам олтинчи билан бажарилди. Область бўйича 9 ойлик янги маҳсулот ишлаб чиқариш топшириши 105 процент, шу жумладан Тошкент шаҳри саноати бўйича 105 процент ва

9 ойлик планининг бажарилиши (процент ҳисобда)	1960 йилнинг 9 ойида 1959 йилнинг ҳудди шу давридагига нисбатан процент ҳис.
Область бўйича	105
Шу жумладан:	116
Ўзбекистон Совнархозига қарашли қорхоналар	105
Маҳаллий Советларга қарашли қорхоналар	109
Тошкент шаҳар ижроия комитетининг саноат бошқармаси	109
Область ижроия комитетининг саноат бошқармаси	110
Республика министрликлари ва ведомстволарига қарашли қорхоналар	106
Иттифоқ министрликлари ва ведомстволарига қарашли қорхоналар	102

Область бўйича янги маҳсулот ишлаб чиқариш планни 5 процент ортиги билан бажаришга ҳолда бир қатор қорхоналар планни бажармадилар ва белгилангандан 47,7 миллион сўмлик маҳсулотни кам бердилар. Ўзбекистон Совнархозининг 8 қорхонаси: «Павлово-Иртыш» комбинати, «Ўзбекнефтмаш», «Ташавтомаш», «Автомаш», «Нормаль» заводлари,

9 ойлик планининг бажарилиши (процент ҳисобда)	1960 йилнинг 9 ойида 1959 йилнинг ҳудди шу давридагига нисбатан процент ҳис.
Пўлат	103
Прокат	105
Кўмир	106
Электр қуввати	105
Минерал ўғитлар	105
Кимё асбоб-ускуналари	101
Трансформаторлар	101
Бронзабел	106
Установака симлари	103
Контроль кабеллар	97
Компрессорлар	107

область саноати бўйича 106 процент бажарилди.


Саноат маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг худди шу давридагига нисбатан 16 процент, шу жумладан Тошкент шаҳри бўйича 12 процент ва область бўйича 24 процент ошди.

Планини бажарилиши ва янги маҳсулот ишлаб чиқаришнинг кўпайиши кўнидаги маълумотлар билан характерланади:

9 ойлик планининг бажарилиши (процент ҳисобда)	1960 йилнинг 9 ойида 1959 йилнинг ҳудди шу давридагига нисбатан процент ҳис.
Экскаваторлар	100
Кўприк қоралари	101
Тракторлар	100
Подшипниклар	92
Пахта териб машиналари	110
Ўзаюпа юлувчи машиналар	100
Трактор культиваторлари	103
Пахта сеялкалари	131
Сунъий ёмғир ёғдирувчи установкалар	94
Цемент	100
Асбоцемент шифери	103
Асбоцемент трубалари	100
Нигма темир-бетон конструкциялари ва деталлари	87
Винокорлик гишти (колхозлар тайёрлагани бу ҳисобга кирмайди)	98
Дераза ойнаси	107
Қоғоз	104
Пахта толаси	104
Ип газлама	103
Чарм пойфазал	104
Мебель	102
Рўзгор холодильниклари	61
Ўғун (давлат хомашё ресурсларидан)	137
Колбаса маҳсулотлари	133
Енг олинмаган сўт маҳсулотлари	106
Мол ёғи (давлат хомашё ресурсларидан)	247
Ўсимлик ёғи (давлат хомашё ресурсларидан)	105
Консервалар (Совнархоз қорхоналари бў	

ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ РАЙОНИНИНГ АЗАМАТ ПАХТАКОРЛАРИ МАРРАГА ЕТДИЛАР

Район меҳнаткашлари давлатга 10 минг 610 тонна пахта сотиб, йиллик планни ортиғи билан бажардилар. Бу ўтган йилгидан 2500 тонна кўндир. Районда машина терими ҳам 100 процент бажарилди.



Бири-бирига устоз, бири-бирига шогирд

(ЛАВҲА)

Бош агроном Владимир Федорович қотмадан келган, жуда эйрақ одам. У нам гапирди, лекин берган саволинига дўхта жавоб берди.

— Колхозда кўпроқ қайси нави пахта етиштирилади? — сўрадик биз ундан.

— С.47-27 нави. Тўғри қилган эканми. Бултур эканимиз 108-Ф га қараганда бу нав пахта 12 — 14 кун тез очилди.

Дала йўлида бораётганим. Владимир Федорович бизни мана шу нави пахтага бошлади. Ҳанс қатан бу пахта жуда тез очилди. Ҳаммадан кўзонларини шунақа, машина теримига мослаб парварши қилинган яшил квадратлар «мени тер» деб ҳосилни кўз-кўз қилиб турибди.

— Машина терими бошланганига неча кун бўлди? —

— Йигирма кундан ошди. —

вазмин жавоб берди агроном. — Қийғос очилгани учун суьрат тез кўтарилди.

Мана, катта пайкалга келдик. Бу ерда машиналар бетиним ишлаб турибди. Узоқ-узоқлардан бошларига қизил дурра ураган қизларнинг кўзиқлари эшитилди.

— Владимир Федорович, қизил дурра ураган қизларнинг иши қандай бўлади? —

— Сиз булар ҳақида эшитганмисиз? — Маъноли қаради агроном.

— Ҳа, бўлмасамчи. Ҳар кун юз килограмдан охириги терган қиз бошига қизил дурра ураган экан, бунини Тошкентда ҳам билдилар. —

Тўғри, деди агроном хўрсанд бўлиб. — Ҳозир мана шу қизларнинг ҳар бири хирмонга 7—8 тоннадан пахта тўйдди. Машиналарнинг гурилгани борган сари баландроқ парвоз қиларди. Биз Владимир Федоровичдан механик-ҳайдовчиларнинг иши тўғрисида ҳам сўзлаб беришни илтимос қилдик.

— «ХВС-1.2» ишимизнинг жуда унумли бўлишига эрдан берайли. — Ҳикоя қила бошлади у. — Иккинчи машинада смена билан ишлаётган механик-ҳайдовчилари, мизнинг гаитри зўр. Бир сменада Эгамназар Темиров терса, иккинчи сменада Жамол Эралиев терди.

Жамол Эралиев ишлаётган томонга юрдик. Унинг бункери тўлиб, бўшатгани хирмон томонга йўл олмоқчи бўлиб турган эди.

Жамол 22 йига тўлибди. Машина рулида туриб, биз билан саломлашган бу йигитни бош агроном гаприфлаб кетди.

— Жамол ҳам республикамизда механик-ҳайдовчи бўлиб келган. Мана энди у уста механик-ҳайдовчи бўлиб қолди. Ҳар кун 4—5 тоннадан пахта терашти. Нариги машинада Пётр ишлаётди. Биз унинг ёнига ҳам бордик. Жомакорнинг кийиб олган хирмонга йигит ўзи билан далада мусобақалашаётган ўртоғидан қолшимайди.

Пахтазорга келиб, кишиларнинг бири-бирига бўлишини, ўзбек, кореяларнинг бири-бирига меҳрибонлигини кўриб иши қувонди.

Меҳнатдаги дўстлик нафта мўъжизалар яратди. Шунинг учун ҳам «Правда» колхозни районода

Йиллик планни биринчилар қаторида бажарди.

Владимир Федорович билан хирмонга келдик. Бу ерда пахта қопловчиларнинг қўли-қўлига тегмасди. Қопланган пахталар нешманиш пункта жўнатилиб турибди.

Колхозчиларнинг маданий дам олиши билан ҳам қизиқдик. Иссиқ оқват, чой, ҳамма нарсга муҳайё. Радио куйламоқда. Қизини шунақа, худди шу эшиттиришди «Правда» колхозининг азаматлари. Эгамназар Темиров, Муталиб Тошқулов, Жамол Эралиев, Пётр. Пахта ҳақида илти сўзлаб айтаётган. Бу эшиттиришда колхознинг кенса раиси Иван Антонович Цой ҳақида жуда самимий гаплар бор.

Иван Антонович кўндан бери мана шу катта хўналикка бошчилиқ қилмоқда. Колхоз фидокорлари Иван Антоновични ҳурмат қилишди. Раис далага келиб, кимнинг нима қилаётганини, ҳолаҳвалини теширади, ёрдам беради.

«Правда» колхозда рус, қозоқ, ўзбек, корея, тожик, татар ва бошқа жуда кўп миллатларнинг вакиллари бор. Уларнинг тиллари бошқа-бошқа бўлса ҳам диллари бир. Ҳаммалари бири-бирларига меҳрибон ва аҳил. Бири-бирига устоз, бири-бирига шогирд.

Владимир Федорович билан даладан айланган, идорага қайтдик. Блокнотимиз меҳнат ва дўстлик сарфари билан тўлиб. Илгари фақатгина шонликорлик билан шуғулланидиган кореянинг бутунини қанда уста пахтакор бўлиб етишганлиги кишини хўрсанд қиларди.

Колхоз идорасида партия ташкилотининг секретари ўртоқ Дюн Қой Когай билан суьзлашдик.

Сергайрат, етти ўлчаб бир кесадан бунинг ҳам колхоз ишлари ҳақида сўзлаб берди.

— 11 октябрдаёқ давлатга пахта топшириш планини бажардик. — деди у. — Бу йил 1415 тонна пахта топширдик. Ўтган йилдагидан қариб икки баравар кўп. Ҳозиргача топширган ҳосилимиз гектар бошига 30 центнерданга тўғри келади.

Партия ташкилотининг секретари Когай Ли И Сон ва Тен Гим Сек ўртоқлар билан илгор бригадаларнинг ҳар гектаридан 33 центнердан ҳосил олганлигини айтди.

Коммунистнинг сўзи билан иши бир. Партия ташкилот ташкилотнинг сўзларига жуда катта эътибор ва аниқлик бор. У одаларга яхши баҳо беради. Уларнинг меҳнатини қадарлайди.

Кишилар билан суьбхатлашганда қилинаётган ишнинг мазмунини дарров пайкаб оласан киши. Биз бу колхозда илгарили ҳам бўлган эдик. Дўстона, аҳил коллективнинг ютуқлари тўғрисида кўп эшитганимиз. Колхоздан чинакал дўстлик ҳисси билан қайтарганимиз, ишчи ўринлиги, плани дўндириб қўйган азамат кишиларга қалбимизда ҳурмат ва изазат чексан эдик.

Юсуфжон ҲАМДАМ

Менинг ҳиссам

Пахта—ўзбек халқининг миллий офитхориди. Даладардаги мўл пахта ҳосилини давлатга иерофиз йиғиб олишга муносиб ҳисса қўлиш ҳар бир колхозчининг, ҳар бир азаматнинг ватанпарвар бурчидир. Шунинг учун ҳам мени район пахтакорлари йиғилишида, бу йил эд пахтакорга 11 минг килограмм пахта териб топширмаган, деб сўз берган эдим. Ҳа сўзимнинг удадилан чиқши учун фидокорна меҳнат қилдик кейнама.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг октябрь Пленуми шарафига 8 тонна пахта териб, колхоз хирмонига тўйдик. Улуғ Октябр социалистик революциясининг 43 йиллигига қадар ана 3 тонна пахта териш учун курашаётганман. Ҳар кун 200—230 килограмдан пахта термоқдам.

ГЕКТАРИДАН 38 ЦЕНТНЕРДАН ҲОСИЛ ОЛИНДИ

Колхозимиз аъзолари бу йил пахтадан мўл ҳосил етиштириш ва уни ушшоқлик билан йиғиб-териб олиш учун ҳар қачонгилан кўра юксак меҳорат билан ишладилар. Шу тўғрисида 400 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 25 центнердан ҳосил олиб, йиллик планни 3 октябрда бажардик.

Бу йил биз ўз зимманимизга ҳар



Ўртоқ ХВАН МАН ГИМ.

гектар пахта майдонидан 45 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олганимиз. Планини муваффақиятли бажарган колхозчиларимиз ҳозир ўз мажбуриятларини бажариш учун курашмоқдалар. Ўртоқ Абдулла Абдурахмонов бошлиқ бригада аъзолари шу кунга қадар 51 гектар ернинг ҳар гектаридан 43 центнердан, Ўртоқ Хайрулла Мусоқулов бошлиқ бригада аъзолари 119 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 40 центнердан, Ўртоқ Ким Григорий бошлиқ бригада аъзолари 130 гектар майдонининг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил олиб, катта ютуқларга эришдилар.

Ҳали даладаримизда ҳосил сероб. Биз Ўзбекистон КИ Марказий Комитетининг октябрь пленуми шарафига ҳар гектар ердан 38 центнердан ҳосил йиғиб олган бўлсак, Улуғ Октябр революциясининг 43 йиллик байрами кунигача 45 центнердан ҳосил олиб юксак мажбуриятимизни ҳам бажарамиз.

ХВАН МАН ГИМ, «Политотдел» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.



«Ленинизм» колхозининг раиси Т. ТОЖИБОВ ва «Политотдел» колхозининг бригада бошлиғи А. АБДУРАҲМОНОВ ўртоқлар.

ПЛАН БАЖАРИЛДИ, МАЖБУРИЯТНИ ҲАМ ТўЛА АДО ЭТАМИЗ

Районимиз пахтакорлари КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми қарорларини илтилик билан амалга ошира бориб, пахтачиликни ривожлантиришда бу йил катта ишлар қилдилар. Юқори агротехника қондаларини кенг қўлланиб, илгорлар тажрибасига асосланган, ишчи кучлари ва моддий-техника ресурсларидан тўла ва унумли фойдаланишни таъминлаган колхозларимизнинг деради ҳаммасида баракли хирмон кўтарилган даражада мўл ҳосил етиштирилди.

Район пахтакорлари йиғим-теримга ҳам катта тайёргарлик ва эфр ушшоқлик билан киришдилар. Чунки улар ҳосилнинг тақдирини терим вақтида бирдамлик кўрсатиш ҳал қилишини жуда яхши тушунадилар.

Теримга графикла белгилаган 6100 киши ўрнига ҳар кун 8500 киши сафарбар этилди. Улар ўртада яккама-якка социалистик мусобақа кенг авж олдириб юборилди. Ўз касбини пахта эгаллаган механик-ҳайдовчиларимиз жонбошлиқ кўрсатиб ишладилар. Район бўйича ҳар бир механик-ҳайдовчининг бир кунлик терган пахтаси 3100—3300 килограмданга тўғри келди.

Ҳўжалик соҳасидаги муваффақиятлар кўп жиҳатдан партия ташкилотлари томонидан омма ўртасида олиб бориладиган ташкилотчилик ва партиявий-сиёсий ишларнинг саблига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам колхозларнинг бошлангич партия ташкилотлари аҳолини пахта йиғим-теримига тўла сафарбар этишда катта ишлар қилдилар. Коммунистлар, комсомоллар йиғим-теримда авангардик ролини ўйнадилар.

Бошлангич партия ташкилотлари ўзaro социалистик мусобақани кенг авж олдиришга, кўпмигкилограммчи теримчилар ҳаракатини кучайтириб юборишга алоҳида эътибор бердилар. Бу тадбирлар ўзининг самарали натижаларини кўрсатди. Свердлов номи колхоздан Зоҳира Жетписова, Мария Умбетова, «Правда» колхозидан Ҳадича Ибёсова, Яхшиғул Иброева, Қўйсин Баратова, «Политотдел» колхозидан Зоҳира Юнусова, Турсуной Усёрбоева «Ленинизм» колхозидан Фарида Абдураҳмонов, Сталин номи колхоздан, Тойжон Ойнақулова, «III Интернационал» колхозидан Эргаш Аҳмедов ўртоқлар каби юзлаб чевар теримчи-

КИМ М. В. район партия комитетининг секретари.

лар ҳозиргача эл хирмонига 5—6 тоннадан «оқ олтин» тўйдилар. Колхозларнинг партия ва комсомол ташкилотлари бу чеварларнинг иш тажрибаларини кенг омалаштирмоқдалар.

Илгорларни раббатлантириш учун барча колхозларда мукофот фонди ақратилди. Ҳар 10 кунда социалистик мусобақанинг якуналари кўриб чиқилиб, илгорларга қимматбаҳо бўлиб мукофотлари бериб юборилди. Мана шуларнинг ҳаммаси колхозларда меҳнат унумини ошириш, пахта терим суьратини кун сайин кучайтиришда катта омма бўлди. Натижада районимиз меҳнаткашлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми очилган кунда, яъни 17 октябрда давлатга пахта сотиш йиллик планини шараф билан бажаришга эришдилар. Гектаридан олинган ҳосил 22,3 центнерданга тўғри келди.

Айниқса «Политотдел» (раиси Ўртоқ Хван Ман Гим), Свердлов номи (раиси Ўртоқ Ким Александр Дмитриевич), «Правда» (раиси Ўртоқ Цой Иван Антонович), «Ленинизм» (раиси Ўртоқ Тўйчи Тожибоев) колхозлари катта ютуқларни қўлга киритдилар. Бу колхозлар ҳозир мажбурият ҳисобига ҳосил топширишни қизгин даром эттирмоқдалар.

Шунингдек районимиз дубкорлари ҳам катта муваффақиятларни қўлга киритдилар. Давлатга лўб позисини сотиш юзасидан зиммага олинган дастлабки мажбурият тўла бажарил-

